

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

РУДАКИЙ

(рисола)

ТОШКЕНТ
“АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЬТ”
2014

Лойиҳа муаллифи ва масъул мухаррир:
тариҳ фанлари доктори Қ.К.Ражабов

Тақризчи:
филология фанлари номзоди Султонмурод Олим

Очилов, Эргаш

Рудакий (Рисола) \ Э.Очилов; лойиҳа муаллифи ва масъул мухаррир Қ.К.Ражабов. – Т.: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2014. – 32 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу рисолада буюк ватандошимиз, форс-тожик адабиётининг тамал тошини қўйган Абу Абдулло Рудакийнинг машиқватли ва мураккаб ҳаёти, ҳайратомуз ижодий фаолияти, бебаҳо адабий мероси, бекиёс бадиий маҳорати ва асарларининг ўзбекча таржималари ҳақида илмий-оммабоп усулда ҳикоя қилинади.

Рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

СЎЗБОШИ

Маълумки, Шарқда асрлар давомида араб тили – илму фан, форс-тожик тили – адабиёт тили бўлиб келган. Шунга мувофиқ, муқаддас ўзбек заминидан етишиб чиқсан Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби кўплаб қомусий алломалар ўзларининг илмий асарларини араб тилида ёзган бўлсалар, Абу Абдулло Рудакий, Адиб Собир Термизий, Амъақ Бухорий, Сўзаний Самарқандий, Асириддин Ахсикатий, Сайфи Фарғоний, Бадриддин Чочий, Хожа Исмат Бухорий, Абдураҳмон Мушфикий, Шавкат Бухорий, Носир Бухорий, Мирзо Содик Мунший сингари талай забардаст сўз санъаткорлари ижоди форсийда нашъу намо топди. Араб ва форс-тожик тилларида ёзган бўлсалар-да, улар бизнинг буюк ватандошларимиз ҳисобланадилар. Бинобарин, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш мамлакатимиз фани ва адабиётини бойитиш ва ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Қолаверса, бу халафларнинг салафлар олдидаги ворислик қарзи, авлодларнинг аждодлар қошидаги фарзандлик бурчидир.

Бу буюклар каҳкашонида Абу Абдулло Рудакий ўз ижодий салоҳиятининг юксаклиги ва серқирралиги, бадиий баркамол асарлари билан форс-тожик адабиётига асос солганлиги ва ўзидан кейинги Шарқ сўз санъатига катта таъсир кўрсатганлиги жиҳатидан алоҳида ажralиб туради.

ФАВҚУЛОДДА ИСТЕҶОДДОД СОҲИБИ

Дунё илму адаб аҳлини асрлар давомида ҳайратга солиб келаётган муazzам форсий адабиётнинг тамал тошини қўйган, унинг Одам Атоси деб улуғланган, ўзидан кейинги барча Шарқ шоирлари томонидан устод сифатида эътироф этилган Абу Абдулло Жаъфар бинни Муҳаммад Рудакий 858 йили Самарқанд яқинидаги Панжрӯдак қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ ҳозирда Тожикистон Республикасига қараса-да, Шарқ мамлакатларида шоирни ҳамон Рудакий Самарқандий, Рудакий Бухорий деб тилга оладилар. Унинг таҳаллуси ўзи туғилган қишлоқ номидан олинган бўлиб, руд деган чолғу асбоби билан боғлиқлиги тўғрисидаги фикрлар ҳақиқатдан йироқ.

Рудакий алоҳида қобилият соҳиби бўлиб, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида ёзишича, “саккиз ёшида Қуръонни хатм қилиб, қориликка ўтган ва шеър ҳам ижод қила бошлаган. Чиroyli овози туфайли ашула айтиш ва уд асбобини чалишга киришиб, бу санъатда маҳорат кўрсатади”. Ёш истеъоддининг овозасини эшигтан Наср ибн Аҳмад уни Бухорога – сомонийлар саройига даъват этади. Унинг истеъодди Бухорода нашъу намо топади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “... устод Рудакий адвор ҳам мусиқа фанида тамом қувватга эга эди... унинг илмлар ва кўп фанлардан

тамом воқиғлиги бордир. Шеърият турларидан қасида ва маснавийни (ҳам) яҳши айтар эрди. Устод Рудакий хосу авом олдида баланд мартабага эришган”.

Рудакийнинг басирлиги тўғрисида манбаларда турли фикрлар юради: бир хиллари шоирнинг онадан кўр туғилганлигини таъкидласалар, иккинчилари Бухоро амири қарматликда айблаб, унинг кўзига мил тортганлиги ҳақида маълумот берадилар. Ислом динига мухолифатда бўлган қарматлар харакати IX аср охирида Ироқда вужудга келган. Улар 899 йили Шарқий Арабистонда ўз давлатларини тузганлар ва у XI асрнинг охиригача мавжуд бўлган. Ижтимоий дастурни илгари суриб, мулкий тенгликни тарғиб этгани учун ҳам қарматлар харакати мусулмон дунёсидаги катта худудни қамраб олиб, халқ оммаси ва илғор фикрли кишиларнинг асосий қисмини жозибали ғоялари билан ўзига жалб қилди. Бунинг натижасида қўплаб ғалаёнлар, давлат тўнтаришлари бўлиб ўтди. Улкан сиёсий арбоб, сомонийлар саройида 40 йил вазирлик қилган Абулфазл Балъамий ҳам, унинг дўсти ва маслакдоши Рудакий ҳам қарматийлик ғояларига хайриҳоҳ эдилар. Бундай кишилар хукмдор ва амалдорлар учун хавфли эканлиги табиий. Шунинг учун Балъамий саройдан четлаштирилиб, Рудакий даҳшатли жазо олади. Шоирнинг табиат манзараларини ҳайратланарли даражада ёрқин ва жонли тасвирлаганидан келиб чиқиб, қўпчилик унинг туғма кўр бўлганига ишонмайди. Немис шарқшуноси Эте биринчи бўлиб Рудакийнинг кўр туғилганлигига шубҳа қилган эди. 1956 йили шоир калла суюгини текшириб кўрган антрополог М.Герасимов кўз косасида қолган излардан Рудакийнинг кўзи куйдирилиб кўр қилинганлигини аниқлади.

СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Адабий-тариҳий манбалар Рудакий меросини 700 мингдан 1 миллион 300 минг мисрагача кўрсатишади. Афсуски, бизга қадар бу муazzам мероснинг жуда оз қисми етиб келган. 1956 йили 1100 йиллик юбилейи муносабати билан унинг пароканда шеърлари бир ерга жамланганда 1840 мисрани ташкил этган эди. Кейинчалик топилган янги намуналар ҳисобига уларнинг адади 2100 мисрага етди. Садриддин Айнийнинг гувоҳлик беришича, у ўз шеърларидан девон тузган илк шоир ҳисобланади. “Бўй жўи Мўлиён ояд ҳаме” (“Мўлиён ариғининг бўйи келмоқдадир”) мисраси билан бошланадиган ғазали унга фавқулодда шуҳрат келтиради. Унга 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Рудакий даражасига кўтарилоғмаган. “Қариликдан шикоят” қасидаси ҳам шуҳрат тутиб, Абдураҳмон Жомий унга жавобан “Қарилик қасидаси” (“Қасидаи шайбия”) ни яратган. Юсуф Хос Ҳожибининг қариликка оид қасидасидаги фикрлар ҳам унга ҳамоҳанг.“Модари май” (“Майнинг онаси”) қасидаси ҳам машхур. Буюк ҳинд эпоси “Калила ва Димна”ни шеърий таржима қилган. М.Муллоаҳмадовнинг маълумотига кўра “Рудакий ҳам ўз замондоши Абушукур Балхий сингари

пандномалар ёзган, лекин афсуски, улар бизгача етиб келмаган, бироқ бошқа асарларидағи ҳикматлар унинг пандномалар ёзганидан далолат беради”. Баъзи маълумотларга кўра, у “Синдбоднома”, “Лайли ва Мажнун” каби достонлар ҳам ёзган.

Илму адаб ахли шоир услубини “саҳли мумтанеъ”, яъни “осону мумкин эмас”, деб баҳолаганлар. Рудакий ва унинг издошлари форсий шеъриятда бир неча аср хукмронлик қилган Хурросон (ёки Туркистон) услугига асос солиб, уни ривожлантирганлар.

Рудакий арузни чукур ўрганиб, уни ҳалқ орасида кенг тарқалган қўшиқларга татбиқ қилиш натижасида ўнга яқин янги вазнлар кашф этган. Жумладан, мақбузи аслам Рудакийгача арузда бўлмаган. Умуман, шоир ижодида 35 вазндаги шеърлар учрайди. Уларнинг кўпчилиги ҳалқ қўшиқларининг бармоқ вазнлари асосида тузилган. Шоирни рубоий жанрининг ёзма адабиётдаги кашшофи ҳам дейдилар. Чунки жанрнинг барча талабларига жавоб берадиган илк рубоийлар Рудакий қаламига мансуб.

Шарқ поэтикасининг устодларидан Шамс Қайс Розийнинг ёзишича, Рудакий ҳайит байрамида Ғазна шахри сайлгоҳларини айланиб юрар экан, ёнғоқ ўйнаётган болаларнинг олдидан чиқиб қолади. Улар орасида бир бола ниҳоятда гўзаллиги, ҳаракатларининг бехад нафислиги, сўзларининг жуда ёқимлилиги билан ҳамманинг эътиборини тортар эди. Отган ёнғоқларидан бири белгиланган жойдан ўтиб кетса-да, яна орқаси билан думалаб, нишонга келиб тушганини кўрганда у қувонганидан: “Ғалтон-ғалтон ҳамеравад то буни кў” (“Думалаб-думалаб, кўча четига чиқиб кетади-я”), – деб юборади. Бу жумла оҳанги ўз мусиқаси билан шоирга жуда хуш ёқади ва у арузнинг ҳазаж баҳридан шунга мос вазн келтириб чиқаради.

“Рудакий, шундай қилиб, – деб ёзади Н.Комилов, – ғазал, рубоий, маснавий (достончилик) жанрларининг асосчиси, биринчи устаси сифатида майдонга чиқди ва қадимий форсий шеърият анъаналарини арузий анъаналар билан уйғулаштириди. Рудакийдан кейин жамики форсий ва туркий тилда ижод этган шоирлар унинг анъана ва услубларини давом эттириб, ривожлантиридилар”.

ЮҚСАК БАДИЙЯТ НАМУНАЛАРИ

Рудакий шеърлари ниҳоятда ҳалқчиллиги, теран ҳаётий ҳақиқатлар, фалсафий фикрларни барчага тушунарли, содда бир тарзда акс эттириши, енгил ва равон услуби, мусиқий оҳанги, ҳассос руҳи, самимияти билан алоҳида ажралиб туради. Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте бадиий ижод жараёнини уч босқичга бўлган эди: соддалиқ, мураккаблик ва яна соддалиқ. Кейинги соддалиқ бу катта ҳаётий тажриба, чукур билим, кенг дунёқарааш, донишмандлик, ҳикмат омухта қилинган буюк соддалиқ бўлиб, унга унча-мунча шоир етишолмайди: Рудакий шеърларидағи соддалиknи худди ана шу соддалика ўхшатиш мумкин. Зоро, бир қараашда содда ва

тушунарли кўринган бу шеърлар катта ҳаёт ҳақиқати, теран фалсафий фикрни ўзида омухта этган. Шунинг учун ҳам Рудакийга эргашганлар кўп бўлган, лекин ҳеч ким унга ўхшатиб ёзолмаган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Ғазнавий саройининг малик уш-шуароси, забардаст форс шоирларидан бири Унсурий ўз эътирофини шундай ифодалаган эди:

Ғазал рудакийвор бўлгай гўзал,
Рудакийча ғазал ёза олмадим.
Жуда нозик хаёл билан уриниб,
Бу парда ичига йўл тополмадим.

Рашидий Самарқандий Рудакийни шоирлар сардафтари деб лутф этса, Низомий Самарқандий сўз сохибқирони деб улуғлаганди. Ибни Ямин сомонийлар салтанатининг чироғи Рудакий туфайли шуъла сочади деса, Шариф Гургоний бу сулола ҳукмонлигидан ёдгор бўлиб Рудакийнинг шеърлари-ю Борбад куйларигина қолганлигини айтади:

Бу дунёда сосоний, сомонийлар тўплаган
Шунча мулку неъматдан нима қолди бу замон?!
Ва лекин Рудакийнинг қасидаю мадҳлари
Ҳамда Борбад кўшиғи яшаб келмоқда ҳамон!

Шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафасининг билимдони Нажмиддин Комиловнинг холосасига қўра, “Рудакий ҳам маҳорат, ҳам ижодий салоҳият жиҳатидан етакчи мавқега эга ёрқин сиймо бўлган. Шу маънода Рудакий:

1. Сомонийлар ҳукмонлиги даврида юз берган миллий, адабий-маданий уйғонишининг йирик вакили, ёрқин сиймоси;
2. Форс-тоҷик шеърияти жанрлари, адабий-бадиий анъаналарини барқарор этган, асослаган буюк истеъдод соҳиби;
3. Янги форс адабий тилини ривожлантириб, унинг қудратини намоён этган ва шу билан ўз халқига хизмат қилган ижодкор шахс;
4. Ҳаётбахш ғоялар, соғ инсоний кечинмаларни баланд пардаларда куйлаган буюк шоир сифатида нафақат форс-тоҷик адабиёти тарихида, балки Шарқ адабиёти ва маънавияти тарихида ўчмас из қолдириди”.

ҲИҚМАТОНА МИСРАЛАР

Рудакийнинг мана бундай чуқур маъноли ва қўйма байтларига тенг келадиган мисралар ижод қилиш қийин:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ёки:

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

(Муинзода таржималари)

Бу байтлар ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган катта тажриба эгаси, ўз замонасининг ҳамма билимларини эгаллаган қомусий аллома, сўз санъатида етук маҳорат ҳосил қилган беқиёс истеъдод соҳиби бўлган улкан ва ҳассос қалб қаъридан қайнаб чиқсан қўйма ҳикматлардир.

Бу байтлар таржима воситасида ўзбек ўқувчилари орасида ҳам машҳур бўлиб кетган: бирор тўй-маросим, давра ёки йигилиш йўқки, улар ўқилмаса!

Аслида донишманд шоирнинг деярли ҳар бир байти ҳикмат, насиҳат. Мана, у ўз фарзанди бўлмиш инсоннинг қувончу қайғусига бепарво дунё ҳақида қандай хулоса чиқаради:

Бу жаҳон мисоли ўгай онадир,
Унга қиз ўгайдир, ўғил беқадр.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Дунёнинг тузилиши, ҳаёт ҳодисалари, инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари устидан фалсафий хулоса чиқариш, пард-насиҳат – шоир шеъриятининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Мисоллар:

Жаҳон улуғлари кетдилар бутун,
Эгдилар ўлимнинг олдида бўйин.
Жаҳоннинг беҳисоб молу мулкидан
Олдилар биргина кафан сўнгти кун.

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождир одам.

Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан
Кема ясад, ўтгил нари томонга.

(Муинзода таржималари)

Замонга мувофиқ бўлиш, унга мос ҳаракат қилиш тўғрисида шундай дейди:

Замона от бўлса, уни миниб чоп,
Замон копток бўлса, чавгон чўпин топ.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Қуйидаги мисралар ҳам худди мақол, ҳикмат каби жаранглайди:

Аҳволинг танг келса, тинчима зинҳор.
Ҳар қандай тенглиқдан чиқиш йўли бор.

Тўғри йўлдан тойма, тойма, эй одам,
Эгри йўлдан борур жойинг жаҳаннам.

(Ш. Шомуҳамедов таржималари)

СОҲИР САТРЛАР

Рудакий шеърларида ташбеҳлар ниҳоятда ҳаётий, содда, лекин мазмуни теран, маъноси кенг, ўзи оҳорли ва қўпинча фавқулодда:

Ёвларнинг паст бўлсин мисли биёбон,
Дўстларнинг юксалсин мисоли осмон.

Бир қарашда жуда оддий туюлган бу ўхшатиш ўз маъно-мазмун
қиррасининг чуқур ва кенглиги билан кишини ҳайратга солади: ахир, ердай
оёқ ости, осмондай юксак яна нима бор?!

Ёки:

Киприкларга қалқан кўзим ёшлари,
Гўё ток зангида узум бошлари.

Бу ерда киприкда осилган кўз ёшлари токда осилиб турган узум
бошларига ўхшатилаяпти.

Рудакий ишқу муҳаббатни ҳам баланд пардаларда қўйлаган, дунёвий
севгини улуғлаган шоир ҳисобланади. Буюк форс ишқий шеърияти Рудакий
отлиғ чашмадан сув ичади. Зеро, ишқий шеъриятнинг илк гўзал намуналари
унинг қаламига мансуб.

Рудакийнинг ишқий шеърлари ўзининг жўшқинлиги, самимияти, халқо-
на лутф ва кинояга омухталиги, енгил юмор туйғусига йўғрилганлиги билан
алоҳида ажralиб туради. Табиийки, улар ташбеҳу тимсолларга бой, шаклан
садда ва енгил кўринса-да, мазмунан теран ва бадиий баркамол. Чунончи:

Лайли юзи каби лола кенг сахрова кулиб турар,
Мажнун кўзи каби булут қон ёшини қилур дарё.

Оқар сувдан келмоқдадир ҳар соатда гулоб ҳиди,
Менинг ёрим ариқ ичра гул юзини ювмиш гўё.

(Муинзода таржимаси)

Рудакий шеъриятида ташбеҳлар ниҳоятда ҳаётӣ, содда, айни пайтда,
маъно қирралари кенг, ўзи оҳорли ва кўпинча фавқулодда. У ўз шеърларида
бошқа кўплаб шеърий санъатлар, жумладан, талмех, тазод, тажнис, муболага,
ирсоли масал, таносуб, такрор, савол-жавоб, истиора, киноя, тажоҳилу
орифона, иғроқ кабилардан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

Тасаввуф адабиётида етакчи мотивга айланган айланган май тимсоли
ҳам илк бор Рудакий ижодида бўй кўрсатган эди. Хайёмана “майпарастлик”-
нинг ибтидоси ҳам Рудакий шеърларидан бошланади . Чунончи :

Қарорсиздур булут, елдек бу жаҳон,
Бода келтур, қилма ҳеч нарсани ёд.

Бу майдан бир томчи Нил ичра тушса,
Ҳамиша маст қилур ҳиди наҳангни.
Кийик бир қатрасини сахрова ичса,
Арслондек кўзига илмас палангни.

(Муинзода таржималари)

Рудакийнинг шоирлик салоҳияти юксаклиги, бадиий маҳорати
бетакрорлиги учун ҳам Н.Комилов: “Рудакий шеърларида қўлланилган
бадиий санъатлар, сўз гўзаллиги, маъноларни завқбахш, таъсирчан бир
йўсинда ифодали қилиб бериш санъати ҳам юксак бўлиб, форс-тожик

шеъриятигининг кейинги намояндалари ижодида кенг ривожлантирилган”, – деб ёзган эди.

ҚАТРАДА УММОН АКСИ

Мумтоз адабиёт намуналарини бутун кўлами, теранлиги билан англаш учун бадиий санъатлардан маълум даражада хабардор бўлиш талаб этилади. Ўтмиш шеъриятида энг кўп қўлланган санъатлардан бири – талмех бўлиб, унга мурожаат қилмаган шоир йўқ ҳисоби.

Талмех шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлиб, бунда машҳур қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни муҳтасар қилинади. Айни жиҳатдан талмехга заррада қуёшни, қатрада уммонни акс эттириш санъати, деб таъриф бериш мумкин. Чунки бу санъатдан фойдаланиб, шоирлар озгина сўз билан баъзан шунақангি катта ва теран нарсаларга ишора қиласидиларки, уларни шарҳлаш учун бутун бошли бир китоб тартиб бериш мумкин.

Абу Абдулло Рудакий ижодида ҳам талмех санъатига кўп дуч келамиз. Хусусан, у Шарқда машҳур Юсуф қиссаси билан боғлиқ гўзал талмехлар яратади.

Қуръони каримдаги “қиссаларнинг афзали” бўлган Юсуф сураси ишқ мавзуида эканлиги, бошдан-охир ошиқ ва маъшуқ саргузаштларига бағищланганлиги, ниҳоятда таъсирчанлиги ва жозибадорлиги туфайли барча тоифанинг эътиборини бирдай жалб қилиб келган. У асрлар давомида қалам аҳлига ҳам айрича илҳом бағищлаб, бу мавзуда юзлаб достонлар битилган. Маъшуқа хуснини Юсуф гўзаллилигига нисбат бериш, уни Юсуфи соний – иккинчи Юсуф деб аташ, баъзида ҳатто ундан устун қўйиш мумтоз адабиётда бир анъана тусини олган. Ишқу ошиқлик мавзуида шеър битган шоир борки, Юсуф ва Зулайҳо исмини, уларнинг севги достонини албатта тилга олган. Қайси Шарқ шоирининг девонини қўлингизга олманг, талмех санъати воситасида унга ишора қилинган кўплаб байтларга дуч келасиз. Рудакий ҳам ўз фикрларини тасдиқлаш, кечинмаларини кучлироқ ифодалаш учун Юсуф ва Зулайҳо образига тез-тез мурожаат қиласиди:

Эшитганман Юсуфда бор экан деб учгина кўйлак,
Ҳаёт ўткарганида роҳату қулфат қучоғида.

Бири қон ичра булғанди, бири йиртилди тухматдан,
Бири Яъкуб кўзига етди-ю, очди чаноғида.

Юзим ўхшар биринчига, дилим иккинчига ўхшар,
Учинчиси насибим бўлғусидир васл чоғида.

Юсуф ўн икки ёшида бир кечаси ажойиб туш кўради: қуёш, ой ва ўн бир юлдуз унга сажда қиласилар (Қуёш ва ой – ота-онаси, ўн бир юлдуз ака-укалари эди). У кўрган тушининг сабабини тушунолмай, отасидан бунинг таъбирини сўрайди. Яъқуб алайҳиссалом бу пайғамбарлик аломати эканлиги, ўғлини оғир қисмат кутаётганлигини олдиндан ҳис қилиб, унга кўрган тушини зинхор акаларига айтмаслигини тайинлайди. Лекин ичида гап сақлолмаган бола сирни очиб қўяди. Буни эшитгач, оталари Юсуфни ҳаммаларидан ортиқ севгани учун шундоғам унга нисбатан юракларида кек сақлаб юрган ўгай акалари ундан ўч олиш пайига тушадилар. Овга олиб бориш баҳонаси билан уни уйдан олиб чиқадилар-да, ўлдиришга андиша қилиб, эски бир қудукқа ташлаб кетадилар. Кейин бир қўйни сўйиб, укаларининг кўйлагини унинг қонига булғайдилар ва оталарига келтириб кўрсатиб: “Юсуфни бўри еб кетди”, – деб ёлғон тўқийдилар. Бу қонли қўйлак – Юсуфнинг биринчи қўйлаги: ёр ҳажрида зарьфарон тусга кирган юзини шоир унга нисбат беради.

Зулайҳо Юсуф билан ишрат қилиш ниятида уни хилват хонага чорлаганида Юсуф зинодан ҳазар қилиб қочади, Зулайҳо унинг ортидан қувиб, этагига чанг солади – кўйлакни йиртади-да, мақсадига етолмаганидан аламзада бўлиб, Юсуф менга тажовуз қилди, деб тухмат қиласиди. Натижада, Юсуфни зиндонга солишади. Шоир ҳижрон дарду аламларидан тилка-пора бўлган юрагини ана шу иккинчи қўйлакка ўхшатади.

Оллоҳнинг марҳамати билан ниҳоят Юсуфнинг беайб эканлиги аниқ бўлиб, у Миср хукмдори бўлади, Зулайҳога уйланади. Қаҳатчиликда қолган акалари унинг хузурига буғдой сўраб келганларида отасининг унинг ҳажрида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолганини эшитади-да, улар орқали ўз кўйлагини бериб юборади – кўйлакни кўзига суртган Юсуфнинг отаси Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб кетади. Ёр васли насиб этса, унинг кўйлаги бўйидан менинг ҳам айрилиқ дардида хира тортган кўзларим очилиб кетади, деб ташбеҳ этади шоир.

Бу кўйлак аслида Иброҳим пайғамбардан мерос бўлиб, мисрлик савдогарларга арзимас тангага сотилган Юсуф шаҳарга киришдан олдин дарёда ювиниб покланганида Жабройил унга жаннатдан нурдан яратилган кўйлак келтириб кийдиради. Бу ўша Иброҳим алайҳиссаломни Намруд ўтидан асраран кўйлак эди ва у Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзларига ҳам қайта нур ато этади.

Ёки бир рубоийсида ўқиймиз:

Юсуф каби хуснидан фифон қилди дилим,
Миср бонуларидек ўзни қон қилди дилим,
Бўса ила бошда меҳрибон қилди дилим,
Энди эса қайғуга нишон қилди дилим.

(Эргаш Очилов таржимаси)

Маълумки, Юсуф алайҳиссалом ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган. Уни севиб қолгани учун Миср хотинлари Зулайҳони гап-сўз қиласилар. Шунда Зулайҳо меҳмон қилиш баҳонаси билан уларни уйига чақириб, олдиларга

татхата, мева ва пичоқ қўяди-да, Юсуфни бошлаб киради. Унинг хусну жамолидан кўзларини узолмай қолган хотинлар мева қолиб, ўз бармоқлари ни тўғрай бошлаганларини ҳам билмай қоладилар. Бу ерда шоир шу воқеага ишора қилиб, ўз маъшуқасининг ҳам хусну малоҳатда Юсуфмонанд эканлиги, унинг жамолидан маст бўлган қўнгил Миср хотинлариdek ўзини қонга белагани, аввал бўса билан ошиқقا лутфу марҳамат кўрсатган маҳбубанинг энди уни қайгу қаърига ташлаб кетганини гўзал бадиий шаклда ифода этади.

ВАТАНГА ҚАСИДА

Ривоят қилишларича, Хурросон сафарида Бухоро амири Наср ибн Аҳмадга Марв (бошқа вариантда Ҳирот) об-ҳавоси нихоятда хуш келиб, шу ерда узоқ қолиб кетади. Вазиру аъёнлар юртни соғиниб, бетоқат бўла бошлайдилар. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, бу ҳақда ҳукмдорга оғиз оча олмайди. Рудакийни совға-салом билан сийлаб, Амирни Бухорога қайтишга кўндиришни сўрайдилар. Шунда шоир Наср ибн Аҳмад хузурига кириб, мана бу ғазални қўйга солиб куйлади:

Бўй жўи Мўлиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳруbon ояд ҳаме.
Реги Омўю дурушти роҳи ў,
Зери поям парниён ояд ҳаме.
Оби Жайҳун аз нишоти рўи дўст
Хинги моро то миён ояд ҳаме.
Эй Бухоро, шод бошу дер зи,
Мир зи ту шодмон ояд ҳаме.
Мир моҳ асту Бухоро осмон,
Моҳ сўи осмон ояд ҳаме.
Мир сарв асту Бухоро бўстон,
Сарв сўи бўстон ояд ҳаме.

Мазмуни: “Мўлиён ариғи сувининг бўйи келмоқда, унга қўшилиб меҳрибон ёр ёди келмоқда. Аму қуми ўзининг барча дағалликларига қарамай, оёғимга худди ипакдай майнин ёқиб тушмоқда. Жайҳун суви (ҳар қанча қайнаб-тошмасин), дўст ёди хурсандлиги туфайли отимнинг белидан келмоқда. Эй Бухоро, шод бўл-у, таъзимга чиқ, Амир сен томонга шодмон келмоқда. Бухоро – осмон бўлса, Амир – ундаги ой – ой ўз осмонига келмоқда. Бухоро – бўстон бўлса, Амир – бир сарв – сарв бўстон сари келмоқда”.

Бухоро соғинчи, ватан туйгуси, интизорлик кечинмалари чуқур ифодаланган бу қўшиқни эшитган Амирнинг қалбида юрт соғинчи шунчалик кўпириб-тошганки, ҳатто кийинишни ҳам унугиб, чодирдан югуриб чиқиб, отга минганча, “Қайдасан, Бухоро?” деб йўлга тушган экан. Аъёну надимлари яrim йўлда зўрга унга етиб, кийимларини кийдиришган. “Ватанг муҳаббат билан йўғрилган Рудакий шеърларининг гўзаллиги, жозибаси,

инсон қалбига таъсири шунчалар кучли эди”, – деб таъкидлаган академик Азиз Қаюмов шунинг учун ҳам: “Рудакий ижодининг туб мазмуни Она Ватанга муҳаббат, ўз халқининг манфаатларини ҳимоя этиш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ғояларининг эҳтиросли тарғибидан иборат”, – деб ёзган эди. Бу муҳаббат эса Бухорога қаратилган эди. Чунки, таникли адабиётшунос Султонмурод Олим таъбири билан айтганда, “Рудакийни Бухородан, ўз-ўзидан, Бухорони Рудакийдан айру тасаввур қилиб бўлмайди”.

Адабиётшунос олим Охунжон Сафаровнинг ёзишича, Рудакий бу қасидаси билан “бадиий адабиётда поэтик Бухорономани бошлаб берди. Бинобарин, “Бухоро” қасидаси Бухоройи шарифни васф этувчи илк шеърий асар сифатида форсийзабон ва туркийзабон адабиётлар тарихида фавқулодда ўрин тутади. Чунки шеъриятда Бухорони шарафлаш анъанаси шу сарчашмадан сув ичиб, ҳамон давом этиб келмоқда. Бунинг аҳамияти яна шундаки, шеъриятда шу зайлда аниқ юрт тимсолида Ватан образини тараннум этишдан иборат ватанпарварлик ҳиссиёти мавж ура бошлади”.

Бадеҳатан айтилган бу ғазал фавқулодда шухрат тутади. Мана, неча асрки, у тиллардан тилларга, китоблардан китобларга кўчиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Низомий Арузий Самарқандий: “Бадиҳа айтиш ва тез шеър тўқиши билан сомонийлар сулоласи даврида Рудакий эришган баҳтга ҳали ҳеч ким эришган эмас!” – деб лутф этган эди.

ҲАЁТБАХШ ТАЪСИР

Рудакий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Хусусан, форс-тожик адабиётида ундан таъсирланмаган, унга эргашмаган, ўз ижодий такомилида уни устоз сифатида эътироф этмаган шоир йўқ ҳисоби.

Маълумки, Шарқ шеъриятида ўзининг ижодий салоҳияти, асарларининг шуҳрати, адабиётга қўшган ҳиссаси билан ифтихор қилиб битилган шеърлар ва алоҳида байтлар кўп учрайди. Бу илми бадеъда фаҳрия санъати деб юритилади. Чунончи, Рудакий ёзади:

Сен гувоҳ: шоирлар ичра мен моҳир,
Сўзим тошни ипак қилмоққа қодир.

Форс-тожик адиллари, шоирлари ичидаги гап юради: “Икки шоир икки ҳукмдор даврида бекиёс шуҳрат ва мартабага эришди: Рудакий – сомонийлар салтанатида, Унсурий – ғазнавийлар саройида”. Лекин Рудакий Абу Наср ибн Аҳмад дарборида 40 йил хизмат қилган бўлса-да, охир-оқибат мутаассиб руҳонийларнинг кутқуси билан қарматликда айбланиб, саройдан четлатилади, қўзига мил тортиб, кўр қилинган шоир умрининг сўнгги йилларини қарилик, касаллик ва қашшоқликда ўтказиб, 941 йили вафот этади.

ҲИКМАТ ТАРЖИМАСИ ВА ТАРЖИМА ҲИКМАТИ

Форсий шеъриятнинг тамал тошини қўйган Абу Абдулло Рудакий ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Бирор-бир давра йўқки, шеърият султонининг қўйидаги мисралари ўқилмаса:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган мутафаккир шоир тирикликнинг мазмун-моҳиятини ўзида жамлаган теран ҳикматни халқ мақоли даражасида юксак бадиий маҳорат билан икки мисра қатига жо қилган. Форс-тожик адабиётининг билимдони, забардаст мутаржим Мунирхон Муинзода ҳам бутун билими, тажрибаси ва маҳоратини ишга солиб, улуғ сўз санъаткорининг бу шоҳбайтини аслига мувофиқ жаранглата олган – ўзбекчада ҳам гўзал ва таъсирчан чиққанлигидан у, мана ярим асрдирки, ўқувчилар тилидан тушмай келади. Бу самимий ва ҳаётий мисралар кириб бормаган ўзбек хонадони, уларни ёд билмайдиган ўзбек топилмайди, десак, муболага қилмаган бўламиз. Ҳар бир киши дилининг туби, тилининг учидаги турган фикрни ўзида ифодалаган бу ҳаққоний мисралар дўстлараро ёзишмалар, хотира ва ён дафтарларнинг сарнақшига айланган.

Таржиманинг аслиятга қанчалик қойилмақомлигини кўрсатиш учун устод шоир байтини келтириб ўтишнинг ўзи кифоя:

Ҳеч шоди нест андар ин жаҳон,
Бартар аз дидори рўи дўston.

Мазмуни: “Бу дунёда дўстлар билан дийдор кўришишдан ҳам ортиқ шодлик йўқ”.

Бу мазмунни мутаржим бир қадар бошқача – жаҳоннинг бутун шодлиги бир ерга жам бўлса ҳам, у дўстлар дийдоридан устун бўлолмайди тарзида ифодалаб, ҳам шоир фикрини янада ёрқинроқ очишига эришган, ҳам соғ ўзбекча шеърий ҳикмат яратишига муваффақ бўлган.

Бадиий таржиманинг антиномияларидан бири шундаки, таржимон матнга қанчалик ёпишиб олса, уни сўзма-сўз таржима қилишга уринса, аслиятдан шунчалик узоқлашади, аксинча, матндан бир қадар чекиниб, унга ижодий ёндашса, муаллифнинг сўзини эмас, фикрини уқишига, асарнинг зоҳирий маъносини эмас, балки ботиний мазмунини акс эттиришга интилса, аслиятга шунча яқинлашади, гўзал ва мукаммал таржима яратади. Чунончи, келтирилган байтни:

Бу дунёда ҳеч бир шодлик йўқ

Дўстлар дийдорини кўришдан ортиқ, –

тарзида сўзма-сўз, айнан таржима қилиш ҳам мумкин. Лекин бунда байтнинг бадиияти анча сусаяди, шунга яраша таъсири ҳам камаяди.

Таржимон фақат аслият мазмунини беришнигина эмас, балки унинг бадиий гўзаллигини ҳам қайта яратишни, асарнинг таъсир кучини ҳам сақлаб қолишни ва таржиманинг ҳам аслият каби жаранглаб чиқиши, бошқа заминда гуллаб мева берган ниҳол каби ўзга тилда ҳам аслий тароватини кўз-кўз қилиши, таржима ўқувчисининг ҳам шуурини тўлқинлантириб, кўнглидан жой олишига эришиши керакки, бунга фақат катта маҳорат билан амалга оширилган ижодий таржима орқали етишилади ва Муинзода таржимаси бунинг ёрқин намунаси.

Худди шундай фикрларни буюк сўз санъаткорининг қўйидаги байти хақида ҳам айтиш мумкин:

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Бу ҳам Рудакийнинг ўзбек халқи орасида машхур, кўплаб илм даргоҳлари, тарбия масканларининг пештоқига ёзиб қўйилган чуқур маъноли ҳикматларидан. Бу байт таржимасида ҳам моҳир мутаржим маҳорат кўрсатган – унинг асли қўйидагича жаранглайди:

Ҳар ки н-омўхт аз гузашти рўзгор,
Низ н-омўзад зи ҳеч омўзгор.

Бунда аслиятдаги сўзлар деярли ўзгаришсиз таржимага ҳам кўчган: “ҳар ки” – “ҳар киши” н-омўхт” – “олмаса таълим”, “аз гузашти рўзгор” – “ҳаётдан”, “зи ҳеч” – “ҳеч бир”, “омўзгор” – “муаллим”. Бу ерда фақат жузъий ўзгартиришларгагина йўл қўйилган: “н-омўхт” – “ўрганмаса” сўзи вазн талабига кўра “олмаса таълим” тарзида икки сўз билан, таржима қилинган бўлса, “аз гузашти рўзгор” сўз бирикмаси, аксинча, бир сўз билан таржима қилинади – “ҳаётдан”. Бу иборанинг маъноси даврнинг айланиши, замоннинг кечиши, фалакнинг ўзгариши, ҳодисаларнинг юз бериши каби бир неча маъноларга эга бўлса-да, бир бутун олганда, ҳаёт, тириклиқ, тақдир деган маънони беради ва бунда уни “ҳаётдан” сўзи билан бериш орқали таржимон тўғри йўл тутган. Фақат фикрнинг қолипи салгина ўзгартирилган: “Кимки ҳаётдан ўрганмаса, ҳеч бир муаллимдан ҳам ўрганолмайди” деган фикр “Кимки ҳаётдан таълим олмаса, унга ҳеч бир муаллим ўргатолмайди” тарзида берилган: “ўрганолмас” – “ўргатолмас”га айланган.

Маълумки, сўз ургуси ва маъно ургуси бор. Агар ургу сўзга тушса, уни албатта таржимада ҳам акс эттириш керак, лекин мақсад маъно бўлса, уни аслига хос ва мос акс эттириш йўли изланади. Мазкур байт таржимасида ҳам шундай йўл тутилган: ҳаётдан ўрганмаган киши ҳеч бир устоздан ҳам ўрганолмайди деган фикр жузъий тафовут билан ҳаётдан таълим олмаган

кишига ҳеч бир муаллим ўргатолмайди деб берилган ва у аслиятга зид эмас, аксинча, таржимада янги қирралари билан намоён бўлган ва, энг муҳими, ўзга тилда ҳам теран мазмуни, бадиий баркамоллиги ва эстетик таъсири кучини сақлаб қолиб, муваффакият билан ўзининг янги ҳаётини бошлаган. Таржимоннинг маҳорати ҳам, таржиманинг муваффакияти ҳам шунда.

Таржимада асарнинг нафақат ғоявий мазмуни, балки эстетик маъносини ҳам қайта яратишга эришиш талаб қилинади. Асарнинг ғоявий мазмуни унда ифодаланган фикр бўлса, эстетик маъноси унинг ўқувчида туғдирадиган кайфияти, унга ўтказадиган таъсири, бағишлийдиган завқи. Бинобарин, таржимада асарнинг мазмуни бошқа тилга кўчса-ю, эстетик маъносини сақланмаса, таржима муваффакиятсиз чиқади, таржимон ўз мақсадига эришмаган бўлади. Бундай таржима ўзга тил ўқувчилари қалбидан жой олмайди, ватан адабиёти ҳодисасига айланмайди.

Ҳақиқат қиёсда очилади деганларидек, мазкур таржиманинг ҳам қанчалик муваффакият билан амалга оширилганини баҳолаш учун уни айни байтнинг Шоислом Шомуҳамедов таржимасидаги намунаси билан қиёслаш кифоя:

Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.

Албатта, бу таржима ҳам аслиятни ўзида тўлиқ акс эттиради. Лекин бу ерда умумлашма маънони билдирувчи “ҳар ким”, (“ҳар киши”) сўз бирикмасининг тушиб қолиши натижасида шахс номаълум бўлиб қолган ва байтнинг таржимада бир қадар мавжуд ва ғализ чиқишига сабаб бўлган. Бунинг устига, унда бир қадар китобийлик мавжуд.

РУДАКИЙ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Рудакий шеърлари биринчи марта таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан 1957 йили Шоислом Шомуҳамедов сўзбошиси билан Муинзода, Ғафур Ғулом ва Алибек Рустамовлар таржимасида чоп этилган эди. “Рудакий” деб номланган бу мўъжаз тўпламдан ўрин олган шоирнинг “Қариликдан шикоят” қасидасини Ғафур Ғулом, икки ғазалини Алибек Рустамов таржима қилган бўлиб, қолган барча шеърлари Муинзода таржимасида берилган.

Муинзоданинг ютуғи шундаки, у шоир асарларини асосан ўз арузий вазнида ўзбекчалаштирган эди. Чунончи, қуйидаги рубоий ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл (иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл) вазнида ёзилган бўлиб, мутаржим уни ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазни билан таржима килган:

Бо он, ки дилам аз ғами ҳажрат хун аст,
Шоди ба ғами туам зи ғам афзун аст.
Андеша кунам ҳар шабу гўям: “Ё Раб,
Хижрон-ш чунин аст, висолаш чун аст?!”

Ҳажринг ғамида агарчи бағримдир қон,
Лекин бу ғаминг билан эрурман шодон.
Ҳижрони шу бўлса, васли қандайдир деб,
Ўйлаб чиқаман кечалар ўлиб ҳайрон.

Бу изланишлари муваффақиятли чиққанига қарамай, негадир, мутаржим шоир рубоийларини бармоқ вазнида таржима қилишга кўпроқ майл кўрсатади. Ҳолбуки, бармоқ вазнида ўгирилганда бу рубоийлар ўзининг аслиятга хос жарангдорлиги ва жозибасини йўқотади. Мисол тариқасида, айни рубоийнинг Шоислом Шомуҳамедов томонидан бармоқда қилинган таржимасини келтириб ўтиш мумкин:

Ҳажринг ғамидан гарчи бағрим қон,
Лекин бу ғамдан эрурман шодон.
Ҳажри шу бўлса, васли қандай деб,
Ўйлаб чиқаман кечалар ҳайрон.

Кўриниб турибдики, Муинзода Рудакий рубоийсини ўзининг анъанавий вазнида таржима қилиш билан шакл талабини қондирган, маъносини аслиятга мувофиқ ўгириш билан мазмун шартини ҳам бажарган ва аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мувофиқ таржима яратган бўлса, Шоислом Шомуҳамедов рубоий мазмунини аслига мос таржима қилган бўлса-да, шаклини қурбон қилган. Натижада, унинг таржимаси мазмунан аслиятга мос келса-да, шаклан ундан фарқ қиласди.

Ўзбекнинг донишманд шоири Fafur Fулом “Қариликдан шикоят” қасидасини ижодий ёндашган ҳолда катта маҳорат билан таржима қиласди. У устод шоир фикрларини ярқ этиб очадиган, қасиданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласиган баъзи сўзлар ва образли ибораларни ҳам заргарона нозик дид ва усталик билан мисралар қатига жо этиб юборади. Мисол:

Жаҳон ҳамеша чунин аст, гирдгардон аст,
Ҳамеша то бувад, оин-ш гирдгардон аст.

Рудакийнинг жаҳон ҳамиша ҳозиргига ўхшаб бир доирада айланиб келган ва то мавжуд экан, бундан кейин ҳам бир доира бўйлаб айланаверади деган фалсафий ҳикматини Fafur Fулом халқона бир ташбех билан бойитади – айланувчи жаҳонни кўз соққасига ўхшатади:

Кўзингни соққасидек айланиб турувчи жаҳон

Ҳамиша айланади, ҳамма вакт гардон эди.

Таржимашуносликда компенсация деган тушунча бор. Бунинг маъноси шуки, таржимон таржима жараёнида қурбон берилган бир тилга хос бўлиб, иккинчи тилга қўчириш жуда қийин бўлган кўп маъноли сўз, ибора ёки бадиий санъатларнинг ўринини бошқа бирор нарса билан тўлдиришга уринади, бошқача айтганда, товон тўлайди.

Аслиятда “тиригардон” сўзи икки марта келиб, такрор санъатини ҳосил қилгани маълум. Бу сўзга ургу берилиши байтнинг таъсир кучини оширган. Лекин айни ўринда бу такрор ўзбек тилида ғализликка сабаб бўлиб, байтнинг таъсир кучини сусайтириб қўйиши ҳам мумкин эди. Қиёсланг:

Жаҳоннинг одати шу – ҳамиша айланади,
Чунки ҳамиша шундай, азалдан гардон эди.

Шунинг учун забардаст шоир ва мутаржим бу йўқотишнинг олдини олиб, жаҳонга кўзнинг соққаси сифатини беради ва такрор санъатини ташбеҳ билан компенсация қиласди.

Faafur Fулом Рудакий қасидасининг таржима эканлиги билинмай, ўзбек тилида ҳам аслиятдагидай равон, тушунарли, жарангдор ва таъсирчан чиқиши учун жон куидириб, таржима жараёнида унинг умумий мазмунига дахл қилмайдиган баъзи ўзгаришларга йўл қўядики, шеърий таржимада бусиз мумкин эмас (Ёмғирнинг марварид томчиларида ярқираган тишлиларнинг тонгги Чўлпон юлдузидай порлоқ тишлиларга айланиши, сулув канизакнинг халқона сўз билан татти канизак деб берилиши ва бошқалар шулар жумласидандир).

Муинзодадан кейин Рудакий шеърлари таржимаси ва нашри билан таникли олим ва моҳир мутаржим Шоислом Шомуҳамедов жиддий шуғулланди – у “Қариликдан шикоят” қасидаси ҳамда Муинзода ва А. Рустамовларнинг баъзи таржималаридан ташқари, улуғ шоирнинг тожик олимлари топиб эълон қилган адабий меросини тўлалигича қайтадан таржима қилиб чиқди. Лекин у Рудакийнинг бир-икки ғазалини ҳисобга олмаганда, барча шеърларини замонавийлаштириб, бармоқ вазнида ўгиради. Албатта, бу таржимон ижодида ҳам муваффақият билан таржима қилинган намуналар бир талай. Хусусан, шоирнинг кўплаб ҳикматли байтлари унинг таржимасида ҳам жаранглаб чиқкан. Чунончи:

Маялфанд душман, ки душман яке,
Фузун аст, дўст ар ҳазор андаке.

Душман қўплик қилас битта бўлса ҳам,
Дўстинг юз бўлса-да, минг бўлса-да кам.

Албатта, бу ерда таржимон матнни бир қадар эркин талқин қилган. Лекин душман битта бўлса ҳам кўп, дўст мингта бўлса ҳам оз деган ҳикматона мазмунни ўзбекчада ҳам жаранглатиб чиқара олган.

БИР ҒАЗАЛНИНГ УЧ ТАРЖИМАСИ

Маълумки, Рудакий услубини адабиётшунослар сахли мумтанеъ деб белгилаганлар. Бунинг маъноси: осону лекин мумкин эмас. Чиндан ҳам шоир шеърлари бир қарашда оддий ва содда кўринса-да, унга ўхшатиб ёзиш осон эмас. Бу шеърларни бошқа тилга таржима қилиш эса ундан-да қийин. Масалан, унга фавқулодда шуҳрат келтирган “Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме” мисраси билан бошланадиган ғазалига 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Рудакий даражасига кўтариолмаган. Қизифи шундаки, мазкур ғазал Алибек Рустамов, Сулаймон Раҳмон ва Самандар Воҳидовлар томонидан уч марта ўзбекчага таржима қилинган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам аслиятга яқинлашолмаган.

Бу таржималар таҳлили алоҳида мақола бўлади. Фикрларимиз қуруқ бўлмаслиги учун бу ерда ғазалнинг илк байти таржималари таҳлили билан кифояланамиз:

Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме.

Мазмуни: “Мўлиён аригининг хиди, меҳрибон ёрнинг ёди келаяпти”.

Рудакий ғазали рамали мусаддаси маҳзуф вазнида яратилган бўлиб, ўзбекча таржималарнинг барчаси айни вазнда амалга оширилган.

А.Рустамов таржимаси:

Мўлиённинг бўйи бул ён келадир,
Меҳрибон ёр ёди шул он келадир.

Таржимада аслият мазмуни тўғри акс этган бўлса-да, биринчидан, “келадир” радифи муваффақиятсиз танланган бўлиб, мисралар охирида оҳанг тушиб кетади, иккинчидан, “бул ён” ва “шул он” сўз бирикмалари вазн талабига кўра, шунчаки мисрани тўлдириш учун келтирилган – улар мазмунни кучайтириш ёки уни ёрқинроқ очишга хизмат қилмагангина эмас, балки уни хиралаштирган, унга осилиб қолган: бундай ортиқча сўзлар таржимашуносликда “навбатчи сўзлар” деб юритилади ва зарурат туғилгандагина баъзида мисрани тўлдириш учун қўлланади. Энди Рўдакийдай забардаст сўз санъаткори шеърида, бунинг устига, унинг ҳар бир сўз танлаб ишлатилган – шоирнинг мақсадига хизмат қилмайдиган, бадиий вазифа бажармайдиган сўз қўлланмаган фавқулодда машҳур бир ғазалида ва яна бир байтидаёқ 4 та ортиқча сўзнинг ишлатилишини қандай баҳолаш мумкин?!

Аслиятда байт 10 та сўздан иборат бўлиб, таржимада у 11 та сўз билан берилган. Шундан тўрттаси, демак, салкам 30 фоизи ортиқча.

С. Раҳмон таржимаси:

Мўлиён бўйи буён келмоқдадир,
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадир.

Бу таржимада “келмоқдадир” радифи яхши топилган – жарангли, оҳангдор. Шунга қарамай, гарчанд мазмунни тўла ифодаласа-да, биринчи мисрада оҳанг тушиб кетган, иккинчи мисра эса аслиятга қойилмақом. Бу ерда ҳам “буён” сўзи ортиқча.

С. Воҳидов таржимаси:

Мўлиённинг хуш ҳиди келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёри меҳрибон.

Бу таржимада радиф тушиб қолган, лекин у ифодалаган маъно мисралар қатига сингдириб юборилган. Шундай бўлса-да, келтирилган таржималар ичida аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатида энг мувоғифи – шу.

Ўйлаймизки, бу ижодий мусобақа ҳали давом этади ва ғазалнинг янгидан-янги таржималари яратилади.

ТАРЖИМАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Бухоролик мумтоз шоирлар ижодидан тартиб берилган “Бухорийлар бўстони” тўпламига истеъдодли шоир ва таржимон Самандар Воҳидов Рудакий ижодидан ҳам намуналар таржима қилиб киритган – у шоир ғазалларини арузда, панду ҳикматларини бармоқ вазнида таржима қилган. Таржималар анча муваффақиятли чиққан. Чунончи:

Шод зи бо сияҳчашмон, шод,
Ки жаҳон нест жуз фасонаву бод.
З-омада шодмон бибояд буд,
В-аз гузашта накард бояд ёд.

Ўтказ умринг ул қаро кўз бирла шод,
Ел каби ўткинчидир ёлғон ҳаёт.
Келгуси ҳар дам ила шодмон бўл,
Кечмишингни ўйлама ва қилма ёд.

Биз ҳам буюк сўз санъаткорининг мавжуд 33 та рубоийсини жанр учун белгиланган анъанавий вазнда – ҳазаж баҳри тармоқларида таржима қилиб, матбуотда ва форс-тожик мумтоз шоирлари рубоийлари таржимаси асосида

тартиб берилган “Мұхаббат тароналари”, “Минг бир рубойй” түпламларида нашр эттирганмиз. Бу ерда улардан бир мисол келтириш билан киғояланамиз. Чунончи, қуйидаги рубойй ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбуб (иккінчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб) вазнида яратилған бўлиб, биз уни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб вазнида таржима қилдик (учинчи мисра – ҳазажи мусаммани мақбузи солими айттар):

Бо дода қаноат куну бо дод бизи,
Дар банди такаллуф машав, озод бизи.
Дар беҳ зи худи назар макун, ғусса махўр,
Дар кам зи худи назар куну шод бизи.

Кўн боригаю Ҳақни этиб ёд яша!
Дил берма такаллуфгаю озод яша!
Ғам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,
Сендан-да фақирларни кўриб, шод яша!

Бундан ташқари, биз шоирнинг пароканда байтларидан ҳам бир қатор намуналарни таржима қилдик ва “Хикматлар хазинаси” түпламида эълон қилдик. Рудакийнинг ўзбек тилидаги сара таржималарини йиғиб, Бобо Тоҳир дубайтийлари билан биргаликда “Шарқ” нашриёт-матбаа Акционерлик компанияси орқали чоп этаётганимиз “Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари” рукнида нашрга тайёрладик. Бу нашр яқинда ўқувчилар қўлига этиб боради, деб умид қиласиз.

Маълум бўладики, Абу Абдулло Рудакий номи ва унинг асарлари ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. Улуғ шоир асарлари бир неча авлод таржимонлар томонидан қайта-қайта таржима қилиниб, турли талқинларда ўзбек ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилган – улар Рудакийнинг муайян шеъри ёки байтининг бир неча таржима нусхалари орасидан ўзларига маъқулини танлаб ўқиш имкониятига эга. Лекин бу Рудакий асарлари тўлиқ таржима қилиниб, бу борадаги ишлар якунига етди, дегани эмас. Чунки Рудакийнинг барча асарлари ҳам бирдай муваффақият билан таржима қилинмаган, улар орасида устод шоир номи ва маҳоратига номуносиб бадиий жиҳатдан саёzlари ҳам, гоҳ шакл, гоҳ мазмун қурбон берилганлари, баъзида эса шоирнинг фикри, асарнинг ғояси бузиб, нотўғри талқин қилингандар, гоҳо фикр ғализ ва мавхум ифодалангани, гоҳ тил ва услуб жиҳатидан тушунарли ва равон чиқмагандар ҳам анча-мунча. Баъзида шеър мазмuni таржимада тўғри берилса-да, эстетик маъноси қайта яратилмаган, қўпинча арузда яратилған бадиий баркамол намуналар бармоқقا солиб ўгирилиши натижасида таржималар аслиятга мазмунан мос бўлса-да, шаклан мувофиқ келмай қолган. Хусусан, “Қариликдан шикоят” ва “Майнинг онаси” каби шоир маҳорати чўққиси бўлған икки қасида анчайин бўш таржима қилинган. Бунга яна давр омилини ҳам қўшиш мумкин: илк таржималар бундан ярим аср муқаддам амалга оширилган эди. Бу орада авлодлар алмашди.

Ўқувчиларнинг диди ва савияси ошди. Таржимачилик ривожланиб, ўзининг энг юкори чўққисига чиқди. Аслиятнинг дахлсизлиги таржиманинг давр ва тил нуқтаи назаридан эскиришини ҳам назарда тутсак, янги авлод учун шоир асарларининг қайта таржималарига зарурат мавжудлиги аён бўлади. Зоро, буюк сўз санъаткорлари ижодига ҳар бир даврнинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади.

ВАТАН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАСИ

Маълумки, буюклар бутун инсониятга дахлдор бўлишади. Айни пайтда, уларни ким кўп ўрганса, ўша халқники дейишади.

Абу Абдулло Рудакий Самарқандда туғилиб, Бухорода яшаб ижод этди. Шу ерда шоир сифатида танилди, давлат арбоби бўлиб етишди, шон-шуҳрат чўққисига кўтарилиди.

Унга ижод учун илҳомни шу замин, асарлари учун мавзуни шу муҳит берди, шу юрт одамлари шеъриятининг қаҳрамонига айланишди. Султонмурод Олим таъбири билан айтганда: “Ўзбекистон халқи, қачон ва қайси тилда яратилганидан қатъи назар, шу юртда дунёга келган ҳар қандай маънавий мероснинг биринчи ва асосий вориси ҳисобланади”. Бинобарин, унинг мероси ватан адабиётининг ажралмас таркибий қисми. Унинг ўзи эса ўзбек адабиёти тарихидан ўзига муносиб ўринни эгаллаши керак. Бунинг учун эса бу буюк ватандошимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳар томонлама кенг ва теран тадқиқотлар яратиш, асарларининг янгидан-янги таржималарини амалга ошириш ва халққа етказиш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Ш.Шомухамедов таржимаси). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1997. 67–69-бетлар.

Абу Абдулло Рудакий. Бобо Тоҳир. Сайланма. – Тошкент, 1994. 5–81-бетлар.

Айний С. Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд (Мақолалар). – Тошкент, 1967.

Брагинский И.С. Абу Абдаллах Джадар Рудаки. – Москва: “Наука”, 1989.

Бухорийлар бўстони (С.Воҳидов таржимаси). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1998. 9–12-бетлар.

Давлатиоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). Б.Аҳмедов таржимаси. – Тошкент, 1981. 20–23-бетлар.

Ёдбуди Рӯдакий. – Душанбе, 1978.

Инжулар уммони. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 11–57-бетлар.

Минг бир рубоий (Э.Очилов таржимаси). Тошкент: “Фан”, 2009. 9–17-бетлар.

Мирзоев А. Абу Абдулло Рӯдакий. – Душанбе, 1958.

Мирзоев А. Сездаҳ мақола. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. С. 154–160.

Муҳаббат тароналари. Рубоийлар (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: 2005. 26–32-бетлар.

Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар (Мажмаъ ун-наводир). М.Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 32–35-бетлар.

Одамушшуаро Рудакий (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 2008.

Осори Рӯдаки. – Сталинобод, 1958.

Очилов Э. Рудакий асарлари ўзбек тилида // “Сино” журнали, 30-сон, 2008 (Ёз), 11–19-бетлар.

Очилов Э. Сўз мулкининг соҳибқирони // Барҳаёт сиймолар (Илмий мақолалар). – Тошкент: “Ўзбекистон”. 6–14-бетлар.

Рипка Я. История персидской и таджикской литературы.. – Москва: “Прогресс”, 1970. С. 141–142.

Рубоий гулшани (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. 12–15-бетлар.

Рудакий. – Тошкент, 1957.

Рӯдакий – устоди суханварони Ажам. – Хўжанд, 2008.

Рӯдакий ва замони ў (Мажмӯаи мақолаҳо). – Душанбе, 1958.

Ҳикматлар хазинаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 12–15-бетлар.

Шоирони аҳди сомониён. – Душанбе, 1999. С. 17–29.

Шомуҳамедов Ш. Одамийлик иншоси. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши

Фавқулодда истеъдод соҳиби

Сўз мулкининг соҳибқирони

Юксак бадиият намуналари

Ҳикматона мисралар

Соҳир сатрлар
Қатрада уммон акси
Ватанга қасида
Ҳаётбахш таъсир
Ҳикмат таржимаси ва таржима ҳикмати
Рудакий асарлари ўзбек тилида
Бир ғазалнинг уч таржимаси
Таржималар этади давом
Ватан адабиёти намояндаси
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Эргаш Зокирович Очилов
филология фанлари номзоди

РУДАКИЙ

(рисола)

ўзбек тилида

Муҳаррир: В.Умиров

Техник муҳаррир:

Компьютерда матн терувчи: Э.Зокиров

Мусаҳхих:

Дизайнер:

Компьютерда саҳифаловчи: